

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Тошкент-2013



“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.”

Ислом Каримов

Глобаллашувнинг ижобий жihatлари билан бирга салбий таъсирлари хақида Мухтарам Президентимиз ўзининг “Энг асосий мезон – хаёт хақиқатини акс эттириш” китобида шундай ёзади:

“Глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти, айниқса, ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илгор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими барча чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Лекин одамзот тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айна пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг заразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишлатилаётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда”.


XX асрнинг ўрталарида инсоният тараққиётининг муҳим босқичи сифатида қаралган ахборот технологияларининг ривожланиши, ахборот алмашинувининг янги кўринишларининг вужудга келиши кўплаб ахборотларнинг тарқалишига олиб келди. Айнан шу даврлардан бошлаб мутахассислар томонидан **“ахборот хуружи”**, **“ахборот учун кураш”** тушунчалари ишлатила бошланди.

- Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати ядро қуролини яратиш устида тажрибалар ўтказяпти. Аммо шу пайтнинг ўзида салкам юзга яқин мамлакат ахборот хуружларини уюштириш билан шуғулланади. Хўш, мамлакатимизга уюштирилаётган ахборот хуружлари, кириб келаётган ёт ғоялар нималарда ўз аксини топган? Уларни тарғиб этувчи кучлар кимлар?

- Глобаллашув жараёнида янги – “**ахборот уруши**” атамаси пайдо бўлди. Ахборот уруши (**information war**) – стратегик мақсадларни амалга ошириш учун рақибнинг ахборот майдонига информацион таъсир кўрсатиш ҳаракатидир. Ахборот уруши – рақиб саналган мамлакат раҳбариятига, унинг жамоатчилик ёки диний ташкилотларига ва улар қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишдир. Таъсир қилишнинг асосий воситалари – китоблар, кинофильмлар, телевидение, интернет, ОАВ нашрлари ҳисобланади.

- Тарихнинг гувоҳлик беришича, радио оммавий аудиторияни жалб қилиши учун 40 йил керак бўлган, телевидение эса бунга 14 йилда эришган, Интернет тизимининг дунё аудиториясини жалб қилиш учун эса 4 йил кифоя қилди.





XX аср аввалида немис файласуфи Густав Лебон инсон онгига таъсирнинг тўрт асосий усулини ажратган эди, бу – *сингдириш, юқтириш, тақлид, ишонтириш.*



- “Телевидение ўз имкониятларини тарбия учун сафарбар этаётгани йўқ, аксинча, у ижтимоий феъл-атворнинг энг салбий андозаларини тарғиб этаяпти... Рекламага маҳлиё бўлиб ўтириш ўсмирларда танқидий фикрлаш қобилиятини чеклайди ва тажовузкор феъл-атвори рағбатлантиради” – дейилади “Тафаккур” журналида.
- “Sessionmagazine.com” электрон журналининг ёзишича, АҚШ теледастурларида шахвониятга оид лавҳалар 1999-2000 йиллар оралиғида 1997-98 йиллар миқёсидагига нисбатан салкам икки баробар ошган: ҳар ўн та дастурдан биттасида жинсий кўшилиш акс этган, мусиқий клипларнинг 7 %и шу мавзуга бағишланган. 2001 йилги Ҳолливуд фильмларининг учдан икки қисми ҳам шу мазмунда экани аниқланган (<http://www.aao.org/advocacy/childhealthmonth/media.htm>).

Бола кунига биттадан ур-йикит, фаҳш, зўравонлик, уруш манзарасидан таъсирланган тақдирда ҳам то 14 ёшга тўлгунча камида 4000 та даҳшатли кадрни кўриши мумкин.



- Бугун ахборот бозорида учта мавзунинг S-S-S доимий устувор аҳамият касб этиб бораётгани ва уларни асосий товар сифатида бозори чакқон бўлаётгани Америка ахборот хавфсизлиги соҳасидаги олимларни қаттиқ ўйлантирмоқда. Пул (бойлик орттириш), жинсий алоқа (порнография), креминал хабарларнинг бугун нафақат ахборот тайёрловчи компаниялар, балки ахборот истеъмолчиларининг диди ва онгини шунга мос равишда тарбияламоқда.

Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлар халқини ҳам ташвишга солмоқда. Демак, узлуксиз ахборий оқимнинг ёшлар онгига ижобий таъсири билан бирга бир қатор салбий таъсирлари ҳам мавжуд экан. Хусусан,

- турли бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчи ахборотлар халқ менталитетига, ёшларнинг эстетик диди, ахлоқий меъёрларига путур этказиши мумкин;
- халқаро ахборот оқимларида мавжуд бўлган зўравонлик, диний экстремизм ва қўпурувчилик, уруш ва қотилликлар, ўз жонига суиқасд қилиш ва порнографик тасвирларни тарғиб қилувчи сайтлар, беҳаё, ур-йикит фильмлар, ичкилик, тамаки маҳсулотларининг рекламалари ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, ҳаётини издан чиқаришга сабаб бўлиши эҳтмолдан ҳоли эмас;
- ёшларнинг ижтимоий онгини ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёт мафкуралар, маданиятлар таъсирига тушиб қолишига олиб келиши мумкин.



АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси **Збигнев Бжезинский** шундай ёзади:

“...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар.”

Бу борадаги тарғибот воситалари эса анчагина: **реклама, матбуот, интернет, кино, телевидение** ва бошқа шу кабилар.

- Етакчи хорижий тадқиқот компанияларининг ҳисобича, ҳозирда деярли **1 миллиард 800 миллион киши**, ёки сайёрамиздаги ҳар тўртта одамдан биттаси жаҳон электрон ахборот тўри – Интернетдан фойдаланади. **2016 йилга** келиб бу кўрсаткич **3 миллиард** кишига етиши кутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқлар уларнинг ташкилотчилари учун, энг аввало, муҳим даромад манбаи ҳисобланади.

facebook®

- Масалан, Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ҳозирда энг йириги ҳисобланадиган “Фейсбук” (Facebook)да 850 миллионта профиллар – фойдаланувчиларнинг шахсий саҳифалари қайд этилган бўлиб, Буюк Британияда нашр этиладиган *The Economist* журналининг маълумотларига кўра, у жаҳон мамлакатларининг аксариятида урф бўлган ҳамда унинг 2011 йилдаги соф даромади 1 миллиард АҚШ долларидадан ортиб кетган. Компаниянинг бозордаги нархи 75-100 миллиард АҚШ доллари гача баҳоланмоқда.

- “Фейсбук” муаллифи ва раҳбари 27 ёшли Марк Цукерберг эса ҳозирда жаҳондаги энг ёш миллиардер ҳисобланади. Унинг ихтироси миллионлаб кишиларнинг “онлайн паспорти”га айланиб улгурди.



“Фейсбук” ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар сони бўйича (жорий йилнинг май ойи маълумотларига кўра 200000) Ўзбекистон дунёда **134 ўринда** турар экан.

● АҚШ	155 892 160	(1)
● Ҳиндистон	45 019 840	(2)
● Россия	6 017 100	(29)
● Қозоғистон	452 200	(100)
● Афғонистон	257 440	(115)
● Қирғизистон	75 340	(154)
● Тожикистан	34 600	(170)
● Туркманистон	5 860	(205)



Интернет ёшларнинг маданий ва ижтимоий мослашувига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- ахборотга эга бўлиш имконияти;
- таълим олиш имконияти;
- мулоқот имконияти;
- ўз-ўзини ифода этиш имконияти;
- ижодий ривожланиш;
- иш топиш имконияти;
- ижтимоийлашув ва б. интернетнинг ижобий жиҳатлари бўлса,
- порнография;
- депрессив ёшлар оқими;
- наркотиклар;
- танишувлар сайти, алдов, ишончсизлик;
- секталар;
- экстремизм, ирқчилик, фашизм ва бошқаларни унинг салбий жиҳатларига киритиш мумкин.

- Бугун ахборот соҳасидан ҳам ташқари турли ҳаракат ва дастурий хусусиятга эга **Деструктив культ ташкилотларнинг** бутун дунё бўйлаб тарқалган ва йил сайин кўпайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, **АҚШда 8-10 млн. аъзони** бирлаштирган **3,5 мингдан зиёд** ана шундай ташкилот мавжудлиги бугун расман қайд этилган. Марказий Осиё мамлакатларида йил сайин турли диний секталар, диний-экстремистик ва маданий-тижорат ДКТ фаолияти кўпаяётганлиги бугун аниқ фактга айланиб улгурди.
- «Деструкция» атамаси [лот. destruction] – бирор нарсанинг одатий тузилишини бузиш, вайрон қилишни англатади.

- «Деструктив культ», — бу оғдириб олиш ва издошларни етакчига, докторинага сўзсиз бўйсунishi ҳамда тобелигини таъминлаш йўлида онгни назорат қилишга ҳаракат қиладиган ҳар қандай авторитар-иерархик ташкилот. “Культ” тушунчаси кимгадир ёки нимагадир сиғиниш, кимнидир илоҳийлаштиришни англатувчи латинча "**cultus**" сўзидан келиб чиққан. Оксфорд инглиз тили луғатида келтирилишича, у лексикага XVII асрда кириб келган бўлиб, XIX аср ўрталарида алоҳида диний гуруҳларни англата бошлади.
- Рус тадқиқотчиси **Н.Орёл** ижтимоий гуруҳлар ва деструктив ташкилотларга атрофлича таъриф бериб, уларни қуйидагича таснифлайди:

- **Тоталитар** (сиёсий, ёлғон диний, тижорат, культлашган, мистик-магик, орденга хос); АҚШ – Жоунстаун 1974 й.

Жонс ҳазратлари – халқ ибодатхонаси етакчиси



1974 й. Жонс КУЛЬТ КЎРИНИШИДАГИ ТАШКИЛОТ бўлган халқ ибодатхонасини Гайанага – кичикроқ лотин америкаси мамлакатига кўчирди. Секта Сан-Францисколик мингдан зиёд камбағалларни ўз сафига жалб қилди.

АҚШ конгресси текширув-лари олдидан секта аъзолари устидан ўзининг психотеррорини яшириш мақсадида Жонс товламачилик, ишонтириш ва бошқа таъсир усулларидан фойдаланиб издошларига ўз ихтиёрлари билан заҳар (хушбўйлаштирилган земляника эссенцияси) ичишга «изн берди».

910 нафардан зиёд киши хотиржам заҳар ичдилар ва ҳаётдан кўз юмдилар.

Жоунстаундаги 1978 йилги оммавий ўз жонига қасд қилиш.



Жоунстаундаги фожеа



Қурбонлар сони 900 нафар кишидан ортди. Улар орасида 276 нафар бола ҳам бор эди.

Р. Чалдини фикрича, Жонсинг секта аъзолари устидан эришган ҳукмронлиги асосида «нафақат унинг алоҳида шахсий сифатлари, БАЛКИ ФУНДАМЕНТАЛ ПСИХОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРНИ ЧУҚУР ТУШУНИШИ ЁТАРДИ».

- Паратоталитар (корпоратив, жинойй, элитага хос, ўсмирларга хос);


Москва, Манежная майдони, 2010 йил



2011 йил 11 апрель, Минск Белорусия



Москва "Домодедово" Аэропорти.



Украина – Львов



Украина деструктив кучлари томонидан бошқариладиган миллатчилар ва фашистик кайфиятидаги ёшлар гуруҳлари (Бандерачилар) тартибсизлик келтириб чиқаришди – ғалаба куни иккинчи жаҳон уруши фахрийларини калтакладилар.



- **Маданий** (фанат клублар, «эмо», «готлар»).

Кўп ҳолларда бу ўсмирлардан иборат рокерлар, металлистлар, эмо ва готлар гуруҳи. **Эмо ва готлар** гуруҳлари, одатда ўз дунёқарашлари асосига ўлим инстинктини (мортидо) ҳаётга қизиқиш инстинктидан (либидо) устун кўядилар, шу боис улар орасида суиқасдлар энг кўп кузатилади. Афсуски, турли маданий гуруҳлар фаолияти психологлар, социологлар, маданиятшунослар томонидан ўрганилмаган.



- Шунингдек, **Тижорат** ДКТлари ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари манипулятив психология услубларини ишлатган ҳолда инсонларни чалғитиб, бойликка интилишишади. Тижорат ДКТлар фаолият кўрсатаётган мамлакатларидаги иқтисодиётга катта иқтисодий зарар етказди. Масалан, Ўзбекистонда фаолият олиб борган «**Quest.net**» компанияси бир ярим йил ичида замонавий психотехнологиялардан фойдаланиб ўз сафига **25 мингдан зиёд ёшларни** жалб қилди, уларга психоэмоционал, маънавий ва моддий зарар етказди. Давлатга етказилган зарар **20 млрд. сўм** баҳоланди.
- Хулоса қилиб айтганда барча ДКТлар маънавий-ахлоқий барқарорлик, инсоннинг психоэмоционал ва ижтимоий-моддий ҳолатига вайронкор таъсир кўрсатади.
- Улар ўз жиноий фаолиятларини таълим, моддий таъминланганлик, соғлиқни сақлаш, диншунослик ва фалсафа соҳаларидаги хайрли мақсадлар ортига яширишга уринадилар.

- Айтиш мумкинки, ахборот хуружларининг бундай салбий таъсирларини камайтириш учун бир қатор муаммоларга ечим топиш зарур. Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш деганда, кўпинча уларга турли ахборотларни, ҳар хил сайтларни, фильмларни, газета ва журналларни таъқиқлаш керак деб ўйлашади. Бироқ, бу уларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини топтайди. Халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига қарши ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам қилишга қаратилган мафкуравий хатарлар, маънавий таҳдидларга қарши туришимиз, уларга қарши бирдамликда курашишимиз зарур.
- *“Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак”*, - деб таъкидлайдилар Президент И.А.Каримов.



- Айни кунга келиб интернет инсонларнинг маънавий ёки руҳий қиёфасини шакллантираётган энг оммабоп ва таъсирчан омишга айланган. Газета, радио, телевидение таъсири маълум бир аудиторияни қамраб олса, интернет орқали бир вақтнинг ўзида дунёнинг хоҳлаган қисмига, миқдори чекланмаган аудиторияга таъсир ўтказиш мумкин. Шу боис, юртбошимизнинг *“Маънавий маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур,”* деган фикрлари айни кунда жуда аҳамиятлидир.

- Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Биргина 2011 йил давомида бундай хизматлар хажми салкам 42 фоизга ошган. Мамлакатда Интернетдан фойдаланувчилар сони бугунги кунда 8 миллион кишини ташкил этмоқда.
- Компьютерлар ва мобил алоқа воситаларидан асосан ёшлар фойдаланиши ва Ўзбекистон умумий аҳолисининг 60 фоизидан кўпини ҳам айнан ёшлар ташкил этиши Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқларнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти қанчалик юқори эканидан далолат беради.

“Мустаҳкам оила – жамият пойдевори” номли ижтимоий он-лайн мулоқот



- Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 8 мартдан бошлаб ўтказиб келинаётган **“Мустаҳкам оила – жамият пойдевори”** номли ижтимоий он-лайн мулоқотлар бугунги кунда 100 минглаб ёшларни ўз атрофига жипслаштирди. Бугунги кунга қадар ўтказилган он-лайн мулоқотлар бугунги кунга қадар 500 минг мартабадан ошиқроқ кўрилган, ўқилган ва таҳлил қилинган. Энг муҳими, юртимиздаги 8 миллионга яқин интернет фойдаланувчиларининг аксарияти ёшлар эканини ҳисобга олсак, Ҳаракатнинг интернет оламидаги ижтимоий мулоқотларининг нақадар оммалашганини кўришимиз мумкин.

Он-лайн мулоқот



- Мулоқотнинг формати – “он-лайн”далиги ёшлар учун айти муддаодир. Он-лайн мулоқот мавзусининг мазмун-моҳиятини очиб бериш, мулоқотни аҳамиятли ва қизиқарли ташкил этиш мақсадида турли соҳа вакиллари – санъат ва адабиёт намояндалари, спортчилар, психологлар, ҳуқуқшунос, шифокорлар, диетолог, “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндорлари меҳмон сифатида таклиф этилмоқдалар. Мулоқотнинг он-лайн иштирокчиси бир вақтнинг ўзида ҳам маълумот олади, ҳам мулоқотда иштирок этади. Нафақат юртимиздаги, балки хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшларнинг ҳамда хорижлик ёшларнинг иштироки ҳам мулоқотларнинг яна бир муҳим жиҳатидир.

- Ёшларни ахборот хуружларидан ахборот экспансияси шароитида ҳимоялашнинг энг самарали таъсирчан воситаси бу - ОАВлари орқали ғоявий-мафкуравий тарғиботни тўғри йўлга қўйиш, ёшларни қизиқтирадиган мавзуларда профессионал даражада тайёрланган ахборотларини тайёрлаш ва оммалаштиришдир. Ҳар бир ёшга мамлакат манфаатлари нуқтаи назаридан мамлакатда ҳамда дунёда кечаётган вазиятни тўғри таҳлил этиш ва баҳолашга кўмаклашиш учун шароит яратиш зарур. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг муаммоларини ўрганадиган ва уларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтирувчи йирик ёшлар ташкилоти сифатида мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутиб, Ҳаракат ёшларни мамлакатда ҳамда дунёда кечаётган вазиятни тўғри таҳлил этиш ва баҳолашга кўмаклашиш учун қулай шароит ва имконият яратиши зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда “Камолот” ЁИҲ замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда медиа-маҳсулотларини яратиб, ёшларни холис ва ҳаққоний ахборотлардан тезкор хабардор қилишга қаратилган **“Ёшлар Медиа маркази”** лойиҳасини ишлаб чиқди.

“Медиа марказ” лойиҳаси қуйидаги мақсадларни кўзда тутди:

- ёшларимизнинг диди, онгу шуурига таъсир қиладиган, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини шарҳлаб, ахборот хуружлари моҳиятини рўйи-рост очиб берадиган , келажак авлодни қизиқтирадиган саволларига жавоб бўладиган мавзуларни тезкор ёритиш ҳамда ёшлар муаммоларни кенг қамровда танқидий–таҳлилий ёритадиган медиа маҳсулотларни тайёрлаш;
- ёшларга оид мавзуларда қалам тебратадиган ёш профессионал ва ҳаваскор журналист ва ижодкорларни бирлаштириш, журналистика соҳасида устоз ва шогирд анъаналарни давом эттиришга хизмат қиладиган амалиётчи журналистлар билан доимий равишда ўқувлар ташкил этиш;
- Ҳаракат муассислигидаги ОАВларини марказда матбуот, телевидение, радио ва интернет йўналишида тажриба ва малака ошириётган ёшларнинг ижод маҳсулотлари билан доимий тўлдириб бориш;
- фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган фуқаролик журналистикасини тараққий эттириш, бунда ЁИХ марказлари қошида мавжуд “Ёшлар студиялари ” ҳамда Ёшлари марказлари қошидаги ёш журналистлар клублари орқали “Камолот” ЁИХ телемухбирлар тармоғининг фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш;
- Ҳаракат ҳақида тайёрланган ахборотларни мамлакатимиз ҳудудида узатилишини таъминлайдиган ягона ахборот ресурс базасини яратиш, Ҳаракатнинг медиа таъсир воситалари, усуллари, стратегиясини аниқ белгилаб, бошқа давлат ва нодавлат ОАВларида бериладиган махсус медиа-лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Модомики, ахборот хуружи тушунчаси асосан оммавий ахборот воситалари, хусусан, интернет билан боғланаётган экан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги ва ҳаммуассислигидаги бир қатор оммавий ахборот воситалари ҳамда Ҳаракатнинг www.kamolot.uz сайтида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нафақат реал ҳаётда, балки виртуал маконда ҳам ёшлар билан ишлашнинг энг мақбул замонавий усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

- Ахборот хуружининг асосий макони бўлган интернет тармоғида маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш, бу борада ёшлар энг кўп фойдаланадиган ижтимоий тармоқларда психологлар ва ёшлар ўртасидаги мулоқотларни ташкил этиш айтиш муддо. Чунки ҳозирги пайтда ёшларнинг сирлашадиган, диллашадиган, дардлашадигани ҳам бу – Интернет, ижтимоий тармоқлар. Айтиш ёшлар билан ишлайдиган виртуал психологлар гуруҳини ташкил этиш, Ҳаракатнинг www.kamolot.uz сайтида “Психолог маслҳатхонаси”ни ташкил этиш ёшларнинг онгига, дунёқарашига таъсир этувчи ҳамда ёшларни ахборот хуружидан ҳимоялайдиган муҳим ижтимоий-психологик механизмлардан ҳисобланади. Бу ўринда психологлар ёшларга ҳам мутахассис, ҳам тенгдош сифатида мулоқотга киришадилар.

- Ҳаракат сайтида ёшларнинг ўзаро мулоқотга киришишлари учун яратилган шароитдан фойдаланиб, ижтимоий мавзудаги форумларни кўпайтириш лозим.
- Нафақат реал ҳаётда, балки виртуал маконда ҳам ёшлар ўз-ўзини ифода этиши учун турли танловлар, кўргазмалар, акциялар ўтказиш, уларни рағбатлантириб бориш ҳам уларни Интернет тармоғидаги фаолиятини тартибга солишга, вақтини фойдали нарсаларга сарф қилишларига имкон яратади.
- Шунингдек, ахборот хавфсизлиги бўйича ҳуқуқий меъёрларни яратишда ёшлар ташкилоти сифатида уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, қолаверса, маънавий ҳимояси бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳам Ҳаракат олдидаги муҳим вазифалардан саналади.

- Ахборот хуружларини илмий жиҳатдан ўрганган олимларнинг хулосаларини тадбиқ қилган ҳолда ижтимоий шерикчилик асосида турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга жорий қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.
- Ахборот хуружларини намоён бўлиш шакллари ва усуллари бўйича аниқ тавсифланган тақдимотларни тайёрлаб республика бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш, “оммавий маданият”нинг жозибали кўринган шакллари ортидаги фожеали, мудҳиш кўринишлардан ёшларни воқиф қилиш ҳам Ҳаракат ва унинг худдий бўлимлари, шунингдек, бошланғич ташкилотлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлардан саналади.

- Ёшларни сифатли ва савияли ахборот билан тўйинтириш мақсадида ахборотларни ҳар томонлама сифатли етказиш бўйича тажрибага эга ёш журналистлардан психолог ва социологларни жалб қилган ҳолда эксперт гуруҳларини ташкил этиш ва мамлакатимиз ОАВларида ёшларга мўлжалланган турли жанрдаги ахборот дастурларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.
- Миллий кадриятлар уйғунлигидаги ОАВ маҳсулотларини тайёрлаш, бу бўйича ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказган ҳолда уларнинг эҳтиёжини аниқлаш ва мамлакатимиз ОАВларида шунга мувофиқ дастурлар тайёрлаш, буларга ёшларнинг ўзини кўпроқ жалб қилиш ҳам, уларнинг иштирокини таъминлаш яхши самара беради.



Эътиборингиз учун раҳмат !